

WORDLY KNOWLEDGE

ONLINE KONFERENSIYA

https://zenodo.org/record/7575646#.Y9OrpbfowVE

Г.О. Яхшибоева

Андижон давлат тиббиёт институти

“Хорижий тиллар” кафедраси п.ф.ф.д.,

Тиббиёт олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари

Аннотация : Чет тилларни ўқитиш жараёни талабанинг таълим олишини ривожлантиришни назарда тутади ва бу мавзуда кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Аммо биз илмий изланишнинг ушбу қисмида тиббиёт олий таълим муассасаларининг фармация йўналишида таҳсил олаётган инглиз тилини етарли даражада ўрганмаган талабалар ўртасида ўқиш ва ёзишнинг ўзига хос жиҳатлари, муаммоларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Калит сузлар : Тил ўқитиш методикаси , А.А.Леонтева , тил тажрибаси .

Олий таълим тизимида етишиб чиқаётган мутахассисларнинг рақобатбардошлигига интилиш соҳанинг ривожидаги энг муҳим омил ҳисобланади. Замонавий жамиятда юқори малакали мутахассис нафақат ўз ихтисослиги бўйича юқори даражадаги билимларга эга, балки чет тилда

сўзлашадиган, самарали ва муваффақиятли касбий маҳоратини дунё миқиёсида ривожланган бўлиши унинг муваффақияти калитидир. Бу борада, инглиз тили фани ўқитувчисининг олдида турган асосий вазифалардан бири бу тиббиёт соҳасида таҳсил олаётган талабаларни ўқиш, тушуниш ва инглиз тилидан ўз она тилига соҳага оид матнларни таржима қилиш ва касбий мавзуларда нутқ сўзлашга ўргатишдир. Инглиз тилида ўқиш малакалари келажакдаги фармацевтларга турли хил таркибларини мазмунини идрок этиш ва тушунишда, соҳага оид адабиётларни ўқишда, халқаро тиббиёт соҳасидаги билимларини бойитишда ёрдам беради.

Тил ўқитиш методикасининг фан сифатида ривожланиши замонавий босқичини учта: методологик, лингводидактик ва технологик даража изоҳлайди. Лингводидактика – бу тил ўқитиш назарияси бўлиб, лингвистика ва дидактиканинг интеграциясидан иборат. Лингводидактиканинг объекти тил ўқитиш жараёни ва унинг тадқиқини назарий асослаш, яъни концепция, тил таълими мазмуни, ўқитишнинг ташкилий шакллари, тадқиқот механизми ва жараён лойиҳасидан иборат. Лингводидактиканинг предмети эса тил ўқитиш (ўқитувчи фаолияти), тилни ўрганиш (талаба фаолияти) ва ўқув материали ва технологияси мазмунининг боғлиқлиги қонуниятларини назарий асослашдир[3].

Чет тилини ўқитишда замонавий лингводидактиканинг тенденциялари қуйидагилардан иборат:

– чет тилини ўқитишнинг мақсади;

– лингводидактика – чет тилини ўқитиш методологияси сифатида;

– чет тилини ўқитишда прагмалингводидактика[3].

Бугунги кундаги тилшунос ва психологларнинг фикрига кўра, матнни ўқиш фармация йўналишида таҳсил олувчи талаба нутқ фаолиятидаги

матнни умумий маъносини тушуниш ва унинг нутқий маъносини англаш нима эканлигига аниқлик киритсак.

А.А.Леонтеванинг фикрига кўра “Буни бошқача ифодалаш мумкинлиги аниқ” [5;142] дейилса, биз бунга қўшимча қилиб юқорида айтиб ўтганимиздек матндаги асл маънони ҳали тўлиқ ўқимай туриб, тилдаги айрим воситачи белгилар асосида таҳмин қилиб нутқ фаолиятида юзага чиқаришимиз мумкин.

Рус тилшуноси И.Р.Гальперин[4]нинг фикрига кўра эса, матнни тўлиқ таҳлил қилиб танишиш давомида унинг асл концептуал маъносига тушуниб бориш давом этади, яъни, муаллифнинг у матнда акс эттирадиган қарашлари, фикр ва мулоҳазаларини англанади. Шу ҳолатдан келиб чиқибгина матн бир яхлитликни ташкил этади ва оғзаки нутқда шундан сўнг ёритилади. Психологларнинг фикрига кўра, ўқиш жараёнида матн билан танишаётган талабанинг диққати, хотираси, тасаввури, тафаккури, ҳиссиётлари, иродаси, қизиқишлари ва қарашлари бирлашади. Матнни тушунишни ўргатишнинг асосий психологик вазифаларидан бири ўқиш жараёнида талабанинг ақлий фаолият тезлиги оширилади. Оғзаки нутқ эса буни ифодалаб беришга эга холос.

Матнларга қўйиладиган талаблар. Ўзбек методист олимларидан Ж.Жалолов[4] фикрича, ўқилган матн мазмунини ролларга кириб ижро этиш, матндаги қаҳрамонлар фикрини ўз сўзлари билан баён этиш мустақил фикрлашга ва ўз фикрини эркин ифодалай олишга ундайди. Шу боис, ўқиш таълим–тарбиянинг муҳим воситаси матнларни танлашда қуйидаги методик талабларга амал қилинди: (1) танланган матнлар талабаларнинг ёш хусусиятларига мос келиши; (2) талабаларга тавсия этилаётган матнлар, уларнинг маънавий савиясини шакллантиришга хизмат қилиши; (3) тақдим этилаётган матнларда тили ўрганилаётган мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий тузилиши, миллий маданиятга оид бой маълумотлар ўз аксини топганлиги; (4) матнларни танлашда немис тили нормасига риоя қилинганлик. Ўқитувчи бадиий жанрдаги матнлар билан бирга, илмий соҳага оид содда тилдаги

матнларни ҳам танлаши мумкин. Бундай матнлар билан ишлаш талабаларни илмий изланишларга тайёрлаб боради.

Биз ўзимизнинг изланишларимизда танланган матнни мазмунини тушуниш фақат ўқиш жараёнига боғлиқ бўлмайди, унинг мазмуни муаллиф томонидан яратилиш ҳамда идрок этишга, талабанинг таржима қилиб тушунишига ҳам алоқадордир. Ушбу таърифга асосланиб, матннинг коммуникатив нутқий маъноси танланган матнни ўқиб тушунгандан сўнг, мақсад ва маъно бирлашгандагина ҳосил бўлади деб ёритамиз.

Йўналиш бўйича танланган матнни ўқиш ҳамда уни оғзаки нутқий фаолиятга тадбиқ этиш қай даражада боғлиқ эканлигини бир нечта олийгоҳда таҳсил олаётган фармация билан боглиқ йўналиш талабаларининг фикри қандайлигини ўтказилган сўровномалар орқали таҳлил қиламиз.

Ўтказилган сўровномада олий таълим муассасанинг айнан қайси йўналишга боғлиқлигига қараб қарашлар ва фикрлар иккига ажралди. Тиббиёт олий таълим муассасаси талабалари якка ҳолатда ишлашда юқори натижага эришиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, инглиз тилини ўрганиш учун соҳага оид танланган матнни ўқиб таржима қилиш ва ундаги нотаниш сўзлар билан танишгандан сўнггина уни оғзаки нутқда қўллашни афзал кўрган бўлса, фармация йўналишига боғлиқ ўсимликлар билан фаолиятини олиб борувчи йўналиш талабалари эса матнни ўқимай туриб умумий маъно орқали матннинг асосий мазмунини фаолиятда қўллаш мақсадида оғзаки нутқ орқали ифодалашни юқорига қўйдилар.

Л.Яковлева ёзишича, чет тил амалий машғулотларида талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантириш учун анъанавий ўқитиш усули қобиғидан чиқиб, маданиятлараро дидактика мазмунидаги адабиётлардан, матнлардан фойдаланиб амалий машғулот ўтиш ижобий натижаларга олиб келар экан [3].

Чет тил ўқитиш методикасида матнни ўқиб тушунишнинг маъно даражасида лисоний бирликларни фаҳмлаб етишга эришилди, мазмун

даражасида эса идрок қилинган ёки фаҳмлаб олинган ахборотни қайта ишлаш, ўзлаштириш билан боғлиқ, тўлиқ ва аниқ тушуниш назарда тутилди. Матнни тўлиқ тушуниш талабанинг ақлий қобилияти, тил тажрибаси ва ўқиш техникасига боғлиқ[3].

Аммо тиббиёт олийгоҳларида таҳсил олувчи талабалар билан танланган матнни фақат ўқиш давомида қуйидаги муаммолар юзага келишини кузатиш имконини берди:

1. Кўплаб талабалар инглиз тилидаги танланган матнни ўқиш давомида фақат ўқиш техника қоидаларига аҳамият бериб, унинг асл маъносини тушунмай қолиши ва таржима қилиш учун матн билан қайта танишишни талаб қилиши;
2. Танланган матннинг ҳажми ва унда қўлланилаётган соҳага оид терминларни миқдори кўплиги талабаларни ҳали матн билан танишмай туриб қўрқитиши;
3. Агар танлаб олинган матн сарлавҳасиз бўлса умумий маъно четда қолиши, матнни таржима қилиш давомида луғатдан сўзма – сўз фойдаланиш билан гапнинг мазмунини тўлиқ ифодалай олмаслиги;
4. Танланган матнда кўплаб нотаниш сўзлар борлиги сабабли қийинчилик билан талаффуз қилиниши;
5. Барча эътибор йўналишга оид матндаги янги сўзларга берилганлиги сабабли, граматик қоидалар ҳам бериб борилиши четда қолиши;
6. Матннинг ҳар бир қисми алоҳида таржима қилиб ўқилганлиги сабабли, ундаги муҳим маълумотни четда қолиши.

Юқоридаги муаммолардан келиб чиқиб хулоса қилиб айтиш мумкинки, дастлабки амалий машғулот жараёнларида матнни ўқиш малакасини шакллантиришдан олдин матн билан ишлаш қоидаларини талабаларга ўргатиб ўтиш зарур. Соҳага оид матн билан танишиш жараёни нафақат сўзларни тўғри талаффуз орқали ўқиш, ундан ташқари матнда берилган асосий маънони англаш, Грамматик қоидаларни кейинчалик қўллай олиш ва матндаги керакли маълумотни оғзаки ва ёзма тилда ҳам керак бўлганда

қўллай олишни тушунтириш лозим. Талабага ўрганилаётган тилда янги бўлган матн билан танишиш жараёнида ўзи учун маъноси аниқ бўлган сўзлар ёрдамида умумий маънони таҳмин қилишни сингдириб бориш керак. Ўқишни ўргатишда талабаларни матн таркибини шакллантиришнинг бошланғич қоидалари билан таништириш, уларни ҳикоя мантиғига амал қилишни ўргатиш муҳимдир. Бунга матннинг ҳар бир қисмининг асосий ибораларини аниқлаш, матнни мантиқий кетма–кетликда қуриш, таркибини узатиш режасини тузиш, таҳрирлаш ва бошқа малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш ёрдам беради. Бизнинг фикримизча, бу ишни иложи борича эрта бошлаш керак, деярли ўргатилаётган тилда ўқиш техникасини ўргатиш билан параллел равишда.

Матннинг маъносини тушунишни осонлаштириш учун педагог учун бир қанча имкониятлар мавжуд:

- матн билан талабаларни таништиришдан олдин нотаниш бўлган асосий сўзлар ва ибораларни бериши мумкин (масалан, талабалар давом эттириши керак бўлган иборанинг бир қисми);

- матн педагог томонидан ифодали ўқиб берилиши ёки аудио орқали тингланиши мумкин (у талабаларга матннинг асосий ғоясини оддий сўзлар билан этказиши ёки тушуниши қийин бўлган бир қатор ибораларни ажратиб бериши мумкин);

- матнни ўқишдан олдин саволлар берилади (ёзма ёки оғзаки), бунга талабалар жавоб топишлари керак.

- матн асосида расмлар, диаграммалар, жадваллар тузиш мумкин бу ўқилган маълумотларни тушунишга ёрдам беради;

- матндаги нотаниш сўз префикслари, феъл замонлари, ҳолат шаклларини таҳлил қилиш, синонимлар ва антонимлар билан ишлаш, сўзларни талқин қилиш ва бошқалар.

Энг муҳими матнда ҳам, талабанинг шахсий тажрибасида ҳам қўлланиб келинувчи сўз ва сўз бирикмаларни топиш ҳам уни осонроқ тушуниб таҳлил қилишга ёрдам беради.

Танланган соҳага хос матннинг қизиқарли ва замон талабларига мослиги ҳам уни тушуниб бошқаларга етказиб беришда муҳим рол ўйнашини эсда тутиш лозим. Шунинг учун, педагог қизиқарли, ўрганилаётган ихтисосга мос келадиган ва профессионал аҳамиятга эга маълумотларга эга бўлган қўшимча стимул бўлиб, инглиз тилини ўрганишга ундайдиган, кундалик қўлланилиши аҳамияти юқори бўлган сўзлардан иборат матнни танлаши мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир ўқилган матн талабани ўзи танлаган касбга йўналтирсагина, ундаги коммуникатив бирикмалардан фойдаланишда самара бера олади.

Е.В.Носонович ва Р.П.Мильруд[6] таъкидлаганидек, матнлар одатда бир–бири билан прогрессив боғланган гаплардан тузилади. Бундай матнларнинг луғат таркиби нейтрал ва бир ҳил бўлиб, улар экспрессивлик, ўзига хосликдан маҳрум ва нутқнинг ҳақиқийлигидаги замонавий тенденцияларни акс эттирмайди. Талабалар амалий машғулотдан ташқари пайтда ҳам доимий равишда соҳасига оид матнларни таҳлил қилишда фойдаланиши мумкин бўлган ёрдамчи усуллар:

- муҳокама қилинаётган матн мавзусига доир саволларга умумий тарзда жавоб бериш (мавзу матни билан танишмай туриб);
- олдиндан берилган мавзуни матни билан танишмай туриб матн нима ҳақидагилиги ҳақида таҳминий хулосаларни бирлаштириб бориш ва матн билан танишгандан сўнг таҳминларни мулоҳазалаш;
- матн билан танишиб чиқилгандан сўнг, билган ва билмаган маълумотни ажратиш;
- таниш маълумотларни қайси ҳолатда, қандай оғзаки нутқда ишлатиш мумкинлигини ҳаёлан таҳлиллаш;
- матннинг энг қизиқ қисмини гуруҳ билан муҳокама қилиш.

Берилган матннинг маъносини тушуниб етказиб беришни такомиллаштириш учун педагог қуйидагича йўриқнома бериши фаолиятни осонлаштиради:

- матнни қисмларга бўлиб номлаш ва номи орқали матн қисмларини маъносини таҳмин қилиш билан умумий мазмунни тўлиқроқ ёритиш;
- матн билан таништиришдан олдин машқлар орқали мавзуни аниқлаш;
- ўқиш ва эслаб қолиш учун қийин бўлган сўзларни матндан ажратиб олиш, улар иштирокида кичик иш фаолиятида учраб турувчи гаплар туздириш;
- матннинг асосий маълумотларини қўллаган ҳолда талабанинг сўз бойлигини ишлатиб, матн мазмунини сўзлатиш.

Ўқиш компетенцияси тиббиёт олий таълим муассасаларининг фармация йўналишида таҳсил олаётган талабаларга инглиз тилини ўргатишдаги энг муҳим омиллардан биридир – ўрганилган матнлардаги янги сўзлар билан танишиш, улардан маълумот олиш орқали ўзларининг касбий дунё қарашини оширишида хизмат қилиши керак.

Шундай қилиб, матн бир вақтнинг ўзида талабанинг ўқиш фаолиятининг объекти, яъни ҳар бир талаба томонидан алоҳида талқин қилинадиган ва нутқ фаолияти маҳсули сифатида ҳам қўлланилади. Ушбу фаолият муваффақиятининг калити бу матнни семантик идрок этиш – тушунишдир. Инглиз тилида ўқилган маълумотларни тушуниш, ўз навбатида, тиббиёт соҳасида таҳсил олаётган талабалар учун (келажакдаги мутахассислар учун) ахборот майдонига, сўнгра коммуникатив эркинлик ва касб – ҳунарга эшик очадиган йўл ҳисобланади.

Талабага таълимнинг биринчи босқичиданоқ дастурда кўзда тутилган ижтимоий–маиший, ўқув–таълимий ва маданий соҳадаги матнлар устида ишлашни ўргатиш лозим. Таълимнинг ушбу босқичида овозсиз (ичда) ўқишда талаба матнларни минутига 100 сўз тезлигида ўқий олиши зарур. Овоз чиқариб ўқишда талаффуз ва интонацияга катта эътибор қаратилади.

Синчиклаб ўқиш (аудиторияда ва уйда) ва танишув ўқиш турлари аудиторияда машқ қилиб борилади.

Ўқишни ўргатишни тарбиявий ва таълимий томонлари шундан иборатки, тили ўрганилаётган мамлакатнинг ва ўз миллий маданиятини ўзида жамлаган матнларни ўқиш жараёнида шқувчиларда хулқ–одоб, эстетик фазилатлар шаклланади.

Нофилологик университетлар талабаларига чет тилни ўргатиш бўйича намунавий дастурда таъкидланганидек, ўқиш соҳасидаги талаблар ҳақиқий ижтимоий–сиёсий, публицистик ва прагматик матнларнинг (ахборот буклетлари, рисолалар, проспектлар, илмий–оммабоп ва илмий матнлар, веб–сайтлар; ижтимоий–сиёсий, публицистик (оммавий ахборот воситалари) матнлари, шунингдек, шахсий хатларни батафсил тушуниш; маълумотнома) асосий мазмунини тушунишни назарда тутади[1].

Нофилолог талабаларга ўрганилаётган тилнинг лингвистик ҳодисаларига кўпроқ эътиборли бўлиш, тил ҳодисаларини тизимлаштириш, моделлаштириш, таққослаш, қиёслаш ва таснифлаш малакаларини шакллантириш имконини беради, деган Г.А.Красношчекова[1,2]нинг фикрига қўшиламиз.

Демак, тиббиёт соҳасини танлаган талаба бир неча йиллар давомида олиб борган меҳнати натижасида таҳсил олиш имкониятига эга бўлади. Узоқ вақт давомида аниқ фанлар билан шуғулланган инсон учун инглиз тили каби тасаввурни кенгайтиришни таълаб қилган фанни чуқурроқ ўрганиш бир қанча муаммоларни юзага келтиради:

1. Талабаларнинг педагокка ҳаддан ортиқ суяниб қолиши. Биз бу ҳолатни гуруҳларга бўлиниб ишлаш жараёнида ҳам, алоҳида талабалар билан ишлаш жараёнида ҳам кўп кузатдик. Талабалар баъзи саволларнинг тўғри жавобларини билмай қолишса, жим қолган ҳолатда педагогнинг тўғри жавобни айтишини кутади. Балки бу талабанинг ўрганиш психологиясига боғликдир. Аммо бундай вазиятларда бизнингча педагог талабани мустақил

фикрлашга, керак бўлса китоби ёки дафтаридан фойдаланиб бўлса ҳам жавобни мустақил равишда топишга ундаши тўғрироқ бўлади. Педагокка ҳаддан ортиқ боғланиб қолишни ҳатто тўғри жавобни билган ва уни айта олган талабаларда ҳам кузатиш мумкин. Сиз савол берасиз, талаба тўғри жавобни билади, жавобни айтади, аммо барибир сизга тўғри жавобни олиш нигоҳи билан қарайди. Бу ҳатти–ҳаракатни жавобнинг тўғрилигини билиш эмас, кўпроқ ўз жавобига ишонмаслик ҳисси, деб ҳисоблаймиз. Номутахассис йўналишларда таҳсил олувчи талабаларда бундай ҳолатларни камайтириш, имкон қадар уларнинг мустақил фикрлашларига ёрдамлашиш мақсадида ҳар бир инглиз тили фан ўқитувчиси уларни руҳлантириб туришлари керак. Руҳлантириш бу вазиятда жуда муҳим, чунки у орқали талабада ўзига ишонч ҳисси ошади.

2. Она тилидан кўп фойдаланиш. Инглиз тили амалий машғулотларида тўлиқ инглиз тилида гапириб амалий машғулот ўтишнинг имкони йўқ. Балки ОТМнинг юқори курсларида, айниқса битирувчилар билан бу йўсинда амалий машғулот ўтиш мумкиндир, аммо дастлабки курс ўрганувчилар билан ўзбек тилини ишлатмасдан инглиз тилини ўргатиш имконсиз. Аммо биринчи тил (она тили)ни ҳам ҳаддан ортиқ кўп ишлатиш талабаларнинг чет тилни ўрганишларига катта тўсиқ бўлиши мумкин. Инглиз тили амалий машғулоти вақтида педагогнинг инглиз тили ва ўзбек тилидан фойдаланиб амалий машғулот ўтиши ўртасида мувозанат бўлиши керак. Аммо бу меъёрни қандай қилиб топиш мумкин? Агар ўзбек тилида кўп гапирилса–ю, инглиз тилида талабаларга етарлича гапирилмаётгандек туюлса ёки бутунлай буни акси, инглиз тилида кўп гапирилиб, натижада талабалар нима ҳақида гапирилаётганлигига тушумай қолишса, баъзи топшириқларни тўлиқ англаб олишолмаса. Ҳар қандай ҳолатда ҳам она тили ва инглиз тили ўртасидаги гуруҳларда тилнинг ишлатилиш меъёрига алоқадор муаммо, бизнингча, кўпчилик педагогларни ўйлантиради.

3. Талабаларнинг зерикиб қолиши. Зерикарли тарзда ўтилаётган амалий машғулотларда талабаларнинг, ёшларидан қатъий назар, тез–тез зерикиб қолишлари табиий ҳол. Амалий машғулотларни янада қизиқарлироқ ўтказиш учун педагоглар гуруҳдаги ҳар бир талаба билан суҳбатлашиб бўлса–да гуруҳ аъзоларининг шахсий қизиқишлари ҳақида билиб олиши ва гуруҳнинг умумий қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда мавзуни тушунтиришга ўтиши керак.

4. Битта ёки бир нечта аълочи талабанинг доимий устунлик қилиши. Аълочиларнинг доимий аълочи бўлиши ва қизиқмаётганларнинг ҳар доим ортда қолиб кетаверишларига сабаб бўладиган бу ҳолатга инглиз тили амалий машғулотларида йўл қўймаслик керак. Инглиз тили амалий машғулотларида ҳамма тенг иштирок этиб, ҳамма тенг ўрганиши керак. Баъзи бошқаларга нисбатан билимлироқ бўлган талабаларга амалий машғулотда яхши баҳолар, маълум даражада кўпроқ рағбатлантиришлар берилса ҳам, уларга нисбатан сустроқ ўзлаштираётган ёки амалий машғулотга тўлиқ қатнашмаётган талабаларни бутунлай унутиб қўймаслик керак. Уларни бошқаларга нисбатан кўпроқ руҳлантириб, амалий машғулотда фаол қатнашишларига имкон яратиб бериш керак.

5. Талабаларнинг амалий машғулотга тайёрланмай келишлари. Бу ҳолатнинг биринчи сабаби ўзлаштирган амалий машғулот мавзусига оид топшириқнинг бажарилишини педагог томонидан етарли даражада эътибор билан талаб қилинмаслигида. Агар педагог ҳар бир амалий машғулотнинг белгиланган қисмини фақат ўтилган мавзу асосида берилган топшириқларни текшириш учун сарфласа ва бунда гуруҳдаги ҳеч бир талаба четда қолдирилмаса, гуруҳнинг амалий машғулотга тайёр ҳолда келишлари сезиларли даражада ошади. Амалий машғулотга тайёрланмай келишнинг иккинчи сабаби талабаларнинг “тушунмадим” деган сабабга кўра уйга вазифани бажаришмай келишлари бўлиши мумкин. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун эса ҳар амалий машғулот сўнгида педагог уйга

топшириқни аниқ тушунтириши, ҳар бир талаба тушунганлигига ишонч ҳосил қилиши ва керак бўлганда талабалар билан амалий машғулотдан кейин алоҳида ишлаш орқали топшириқларни тўғри бажариш ҳақида кўрсатмалар беришлари керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ :

1. Абдуллаева Ф.С. Юридик терминларни ўқитишнинг лингводидактик асосларини такомиллаштириш (инглиз тили мисолида) // автореф.дисс ... (PhD). пед. наук. – Тошкент, 2018. –49 б.

2. Аблуллева Р.М. Ўзбекистон Республикаси тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларига русча терминологияни ўқитишнинг тармоқ технологиялари // автореф.дисс ... (DSc). пед. наук. –Тошкент, 2021. –79 б.

3. Алексеева Л. М. Проблемы термина и терминообразования: учебное пособие по спецкурсу. – Пермь: Пермский университет, 1998. – 120 с.

4. Алимов Ф.Ш. Инглиз тилида ёзув компетенциясини шакллантириш (нофилологик факультетлар мисолида).: Автореф. ... канд. пед. наук. – Тошкент, 2018. 41б.

5. Алмазова Н.И. Когнитивные аспекты формирования межкультурной компетентности при обучении иностранному языку в неязыковом вузе. Автореф. дис. … д–ра пед. наук: 13.00.02 / Н.И. Алмазова. – Санкт–Петербург, 2003. – 47 с.

6. Артемонов В.А. Психология обучения иностранным языкам. – М.: Просвещение, 2005.